



TOP 500 ЎЗБЕКИСТОН — ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Высшее образование в Узбекистане
Higher education in Uzbekistan

Илмий ўқув-таълим методлари

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎҚУВ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ (ДУНЁНИНГ ТОП-500 ТАЛИК ОЛИЙҒОҲЛАРИ МИСОЛИДА)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎҚУВ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

(ДУНЁНИНГ ТОП-500 ТАЛИК
ОЛИЙҒОҲЛАРИ МИСОЛИДА)

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
2023

УЎК: 378:006(072)

КБК: 74.58

Я – 49

Якубов, Ш.

Олий таълимнинг ўқув-меъёрий ҳужжатлари таҳлили (дунёнинг ТОП-500 талик олийгоҳлари мисолида) [Матн] : методик қўлланма / Ш. Якубов, Л. Зарипов, З. Тоҳиров . – Тошкент: “Sano-Standart”, 2023. – 32 б.

ISBN 978-9943-7215-9-3

Мазкур методик тавсиянома олий таълим муассасаларида амалдаги таълим йўналишлари, ўқув режа ва фан дастурларини хорижий давлатларнинг энг нуфузли ТОП-500 таликка кирган университетларининг ўқув режа ва фан силлабусларига қиёслаган ҳолда ўтказилган тадқиқот натижалари ҳамда уларнинг мазмуни баён этилган. Шунингдек, у тадқиқотдан келиб чиқиб, тегишли йўналишларни жаҳон талабларига мослаштириш бўйича тавсия ва таклифларни ўз ичига олади.

Ушбу методик тавсияномадан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, малака ошириш ва қайта тайёрлашга келган ходимлар, тадқиқотчилар, магистрантлар ҳамда талабалар фойдаланишлари мумкин.

Таҳрир ҳайъати:

Ш.Якубов, М.Эсанов, Т.Аҳмедов,
А.Эшмуродов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378:006(072)

КБК: 74.58

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли йиғилиш баёни ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли буйруғи билан наширга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7215-9-3

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

КИРИШ

Мамлакатимизда бўй кўрсатаётган ислохотлар олий таълим тизимида ҳам ўз аксини топиб, бу, аввало, юртимизда салоҳиятли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини ошишига хизмат қилмоқда. Таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш бўйича бир қанча қонун ва қарорлар, фармонлар қабул қилинган бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” олий таълим тизимида янги ислохотларни амалга оширишга тўртки берди. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 16 июлдаги 311-сон буйруғи билан олий таълим муассасаларига ўқув режалари ва фан дастурларини мустақил ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш имонияти берилди.

Бу олий таълим муассасаларининг меҳнат бозорининг асосий талабгорлари бўлган кадрлар буюртмачилари ва иш берувчилар билан доимий мулоқотда бўлиш ҳамда ўқув режаларига уларнинг таклифлари, ташаббуслари билан фанлар киритиш имкониятини берди. Шунингдек, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнининг кредит-модуль тизимига ўтиши талабалар учун кенг имкониятларни тақдим қилди. Жумладан, талабалар таҳсил олаётган йўналишлари бўйича ўқишини хорижда давом эттириши, мустақил таълимга ажратилган соатларнинг кўпайиши, ўқув режаларда номутахассислик фанларининг камайиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шу билан биргаликда, ўқув режаларидаги фанларни халқаро стандартларга мослаштириш жараёнида фанларни кредит-модуль тизими талаблари асосида шакллантириш, талабаларнинг академик мобиллигини таъминлаш бўйича тизимли муаммолар келиб чиқмоқда.

Мазкур методик қўлланма олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнини халқаро таълим стандартларига мослаштиришда муҳим манба бўлиб, мамлакатимизда олий таълим сифатини ошириш ва юртимизда салоҳиятли ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлашга хизмат қилишига ишонамиз.

Олий таълим муассасаларининг ўқув-меъёрий ҳужжатларини халқаро стандартларга мослаштириш

Олий таълим муассасаларининг кредит-модуль тизимига ўтиши билан талабалар хорижий олий таълим муассасаларига ўқишини кўчириши ёки маълум белгиланган муддатда бошқа университетда ўқиш имконияти пайдо бўлиши билан бир қаторда, давлат олий таълим муассасалари таълим йўналишларини хорижий олий таълим муассасалари таълим йўналишларига мослаштириш, ўқув режаларидаги фанларни нуфузли ОТМларнинг таълим йўналишлари ва фанларига мослаштириши керак бўлди.

Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази томонидан амалдаги таълим йўналишлари, ўқув режа ва фан дастурларини хорижий давлатларнинг энг нуфузли, ТОП-500 таликка кирган университетларининг ўқув режа ва фан силлабусларига қиёслаб ўрганиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш юзасидан тадқиқот ўтказилди.

Таҳлил давомида республикада кадрлар тайёрланаётган **10 та** билим соҳаси, **26 та** таълим соҳасидан қўйидаги **5 та соҳалар** танлаб олинди: **иқтисодиёт, тиббиёт, педагогика, техника ва қишлоқ хўжалиги**. Мазкур таълим соҳалари бўйича таянч олий таълим ташкилотлари (ТДИУ, ТТА, ТВЧДПУ, ТДТУ, ТДАУ)дан **4 нафардан** хорижда таҳсил олган, ҳимоя қилган ва хорижий тажрибага эга етук профессор-ўқитувчилар таркибидан иборат экспертлар жалб қилинди, шунингдек, таълим соҳасининг асосини ташкил этадиган **3 тадан** бакалавриат таълим йўналиши танлаб олинди.

Таълим соҳалари таҳлили: таянч олий таълим ташкилотлари томонидан хорижий давлатларнинг танланган таълим йўналишларида кадрлар тайёрлайдиган ва халқаро рейтинги юқори **ТОП-500 таликда бўлган 40 дан ортиқ университетларнинг ўқув режалари ва фан силлабус (таълим дастур) лари** таҳлил қилинди.

Таҳлил давомида эришилган натижалар: танлаб олинган **15 та** таълим йўналишидан **7 тасининг** номланиши хорижнинг нуфузли университетлардаги таълим йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши бўйича лойиҳа тайёрланди.

Хорижий университетларнинг ўқув режалари таҳлили таълим соҳалари бўйича турлича ёндашувлар мавжудлигини кўрсатди.



ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИ

Иқтисодиёт соҳасидаги ўқув режалар таҳлиliga кўра ривожланган давлатлардаги олий таълим муассасалари ўқув фанларида математик аппарат юқори даражада қўйилганлиги, иқтисодиётнинг микро ва макро, эконометрика ва молиявий таҳлилга асосланганлиги, талабаларда мустақил илмий тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича кўникмаларнинг дастлабки курслардаёқ шакллантирилиши, иқтисодий масалаларни ечишда R ва Python дастурларидан фойдаланишни ўргатиш юқорилигини кўрсатмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети экспертлар гуруҳи томонидан 60310100 – “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”, 60410100 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” ҳамда 60610400 – “Молия ва молиявий технологиялар” таълим йўналишлари ўқув режа ва фан силлабуслари хорижнинг етакчи университетлари ўқув режа ва фан силлабуслари асосида қиёсий таққослаш ишлари амалга оширилди ҳамда амалдаги ўқув режаларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Қиёсий таққослаш учун танлаб олинган университетлар:

60310100 – “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”
Манчестер университети, Англия (The University of Manchester, QS ва THE рейтингларидаги ўрни 27/50).
Тилбург университети, Голландия (Tilburg University, QS ва THE рейтингларидаги ўрни 368/201).
Шарқий Лондон университети, Англия (University of East London, QS ва THE рейтингларидаги ўрни 801/801).
60410100 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”
Манчестер университети, Англия (The University of Manchester, QS ва THE рейтингларидаги ўрни 27/50).
Лондон иқтисодиёт ва сиёсат фанлари мактаби (London school of Economics and Political Science, QS ва THE рейтингларидаги ўрни 49/27).
Оберн университети (Auburn University, QS ва THE рейтингларидаги ўрни 801/1000).
60610400 – “Молия ва молиявий технологиялар”
Манчестер университети, Англия (The University of Manchester, QS ва THE рейтингларидаги ўрни 27/50).
Лондон иқтисодиёт ва сиёсат фанлари мактаби (London school of Economics and Political Science, QS ва THE рейтингларидаги ўрни 49/27).

Қиёсий ўрганиш натижасида таклиф қилинаётган таълим йўналишлари ном-
ланиши:

(1-жадвал).

№	Таълим йўналиши (Тошкент давлат иқтисодиёт университети)	Таълим йўналиши Топ-27 (Манчестер университети)	Таълим йўналиши Топ-49 (Лондон иқтисодиёт ва сиёсий фанлар мактаби)	Таклиф қилинаётган йўналиш
1	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	Иқтисодиёт	Иқтисодиёт	Иқтисодиёт
2	Молия ва молиявий технологиялар	Бухгалтерия ва молия	Молия	Молия ёки Молия ва бухгалтерия
3	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	Бухгалтерия ҳисоби ва молия	Бухгалтерия ҳисоби ва молия	-

Хорижий олий таълим муассасалари ўқув режасидаги фанларнинг хусусияти
қуйидагиларда намоён бўлади:

математик аппаратнинг жуда юқорилиги;

давлатнинг ривожланиш даражаси, ҳозирда ва келажакда трендда бўлган соҳаларга
йўналтирилганлик;

талабаларга иқтисодий билимларнинг асосини кўпроқ назарий жиҳатдан сингдириш ва шу
асосда маълум қарорлар қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш;

иқтисодиётнинг микро ва макро, эконометрика ва молиявий таҳлилга асосланганлиги;

молия тизимидаги кўрсаткичлар эконометрика ва молиявий таҳлилга асосланганлиги;

бухгалтерия йўналишида молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларининг кенг
қўлланилиши;

талабаларда мустақил илмий тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича кўникмаларнинг
дастлабки курслардаёқ шакллантирилиши;

иқтисодий масалаларни ечишда компьютер дастурлари, жумладан, R ва Python дастурларидан
фойдаланишни ўргатиш юқорилиги.

Амалга оширилган таҳлиллар асосида учта бакалавриат таълим йўналиши-
нинг ўқув режаси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича):

Янги ўқув режа бўйича асосий фанлар умумий кредити 132 ва танлов фанлар умумий кредити 90, битирув малакавий иши 6 кредит ва малакавий амалиёт 12 кредитни ташкил этади, жами 240 кредит.

Янги ўқув режада талабанинг асосий фанлари 23 тадан 18 тага туширилди (22 фоизга камайди), танлов фанлари 15 тани ташкил этади (амалдаги ўқув режадан 14 фоизга камайган). Мутлақо янги киритилган фанлар сони 11 тани ташкил этди. Малакавий амалиёт соати 72 дан 144 соат (50 фоиз)га ошди.

60410100 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”:

Янги ўқув режа бўйича асосий фанлар умумий кредити 132 ва танлов фанлар умумий кредити 90, битирув малакавий иши 6 кредит ва малакавий амалиёт 12 кредитни ташкил этади, жами 240 кредит.

Янги ўқув режада талабанинг асосий фанлари 28 тадан 20 тага туширилди (29 фоизга камайди), танлов фанлари 13 тани ташкил этади (амалдаги ўқув режага нисбатан 39 фоизга кўпайган). Мутлақо янги киритилган фанлар сони 8 тани ташкил этади. Малакавий амалиёт соати 72 дан 144 соат (50 фоиз)га ошди.

60610400 – “Молия ва молиявий технологиялар”:

Янги ўқув режа бўйича асосий фанлар умумий кредити 138 ва танлов фанлар умумий кредити 90, битирув малакавий иши 6 кредит ва малакавий амалиёт 6 кредитни ташкил этади, жами 240 кредит.

Янги ўқув режада талабанинг асосий фанлари 23 тадан 20 тага туширилди (11 фоизга камайди), танлов фанлари 14 тани ташкил этади (амалдаги ўқув режадан 7 фоизга камайган). Мутлақо янги киритилган фанлар сони 22 тани ташкил этади.

Нуфузли хорижий университетларнинг иқтисодиёт йўналиши фанлари силлабуси таҳлили асосида қуйидаги бўлимлардан иборат бўлган силлабуснинг янги андозаси таклиф этилмоқда: *фан тўғрисида маълумот* (Course details); *ўқувчи тўғрисида маълумот* (Responsible for subject/module); *фан тавсифи* (Overview); *фаннинг мақсади* (Aims); *таълим бериш натижалари* (Learning outcomes); *таълим бериш усуллари* (Teaching and learning methods); *фаннинг таркибий тузилиши* (Course content); *мустақил таълим ва мустақил ишлар* (Independent study and independent work); *адабиётлар* (Recommended reading); *талабалар билимини баҳолаш* (Assessment methods); *тақризчилар* (Reviewers).

ТИББИЁТ СОҲАСИ

Хориж университетларидаги тиббиёт соҳаси ўқув режаларида ижтимоий фанлар инobatга олинмаганлиги, тиллар кесимида турли ёндашувлар мавжудлиги, давлатнинг ривожланиш даражаси, ҳозирда ва келажакда трендда бўлган соҳаларга, шунингдек, клиник фикрлаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги, мустақил таълим жараёнига алоҳида эътибор қаратилиб, қайта алоқа жараёнининг мавжудлиги кузатилади.

Экспертлар гуруҳи томонидан тиббиёт соҳаси бўйича қуйидаги таълим йўналишлари бўйича меъерий ҳужжатлар таҳлил қилинди: Даволаш иши, педиатрия иши, стоматология.

Таққослама таҳлил ўтказишда QS ва THE рейтингларида юқори ўринларни эгаллаган қуйидаги хорижий давлатлар университетларининг тажрибаси ўрганилди. (2-жадвал)

1. Гарвард университети, АҚШ (3 ўрин)

2. Корея университети, Жанубий Корея (86 ўрин)

3. Аладдин Кейкубат университети, Туркия (479)

4. Тиббиёт соҳаси ривожланиб бораётган МДХ давлатларидан:

1. Казань давлат тиббиёт университети, Россия

2. Асфандиёров номли миллий тиббиёт университети, Қозоғистон



№	ОТМ номи	Таълим йўналиши	Ўқув муддати	Кредитлар сони	Фанлар/ модуллер сони
1	Гарвард университети	Тиббиёт	4 йил/4 йил	216/танланган йўналиш бўйича алоҳида кредитлар	32 та интеграллаштирилган модуллер
2	Корея университети	Тиббиёт	6 йил	248	58
3	Аладдин Кейкубат университети	Тиббиёт	6 йил	300	6 та фан, 15 та модуль, 8 та блок
4	Тошкент тиббиёт академияси	Даволаши	6 йил	364	77

Ўрганилган хорижий олий таълим муассасаларининг барчасида таълим йўналиши номланиши “Тиббиёт” (Medicine) деб номланади.

Хорижий олий таълим тизимида бакалаврият ўқиш даври 6 йилни ташкил этади, лекин Гарвард университетида 4 йил тиббиёт сўнг танланган йўналиш бўйича мақсадли 4 йил таълим жараёни ташкил қилинган. Европа ва Осиё давлатлари тиббиёт йўналишларида премедикал ҳамда медикал фанлар ажратилган бўлиб, 2 йил премедикал фундаментал фанлар, 4 йил медикал тиббиётга оид фанлар ўргатилади. Ўзбекистон Республикасида ҳам клиник олди ва клиник фанлар ажратилган.

Хорижий олий таълим муассасаларида таълим жараёни қуйидаги хусусиятларга эга:

ижтимоий фанлар инobatта олинмаган;

тиллар кесимида турли ёндашувлар кузатишган (айримларида давлат тили, айримларида хорижий тил ўргатилиши инobatта олинган);

давлатнинг ривожланиш даражаси, ҳозирда ва келажакда трендда бўлган соҳаларга йўналтирилганлик;

фанлараро интеграцияни инobatта олган ҳолда, модуль кўринишида шакллантирилганлиги;

клиник фикрлаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш;

илмий изланувчанликка йўналтириш;

мустақил таълим жараёнига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, қайта боғлов жараёнининг мавжудлиги;

амалиёт ўтишга алоҳида эътибор қаратилганлиги;

талабаларда мустақил илмий тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича кўникмаларнинг шакллантирилиши.

Амалга оширилган таҳлиллар асосида 60910200 – “Даволаш иши” таълим йўналишининг ўқув режаси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Янги ўқув режа бўйича босқичлар кесимида премедикал ва медикал йўналишни инobatга олган ҳолда ҳамда фанларнинг мантиқий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида модуллар шакллантирилган бўлиб, ҳар йили 60 кредитдан, умумий 360 кредит ажратилди.

Янги ўқув режада фанлар 77 тадан 62 тага туширилди (20 фоизга камайди), Янги киритилган фанлар сони 8 тани ташкил этади.

Таклифлар:

1. Тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш учун кескин ва аниқ чоралар зарур, яъни Марказий Осиё (Қозоғистон ва Қирғизистон), Болтиқ бўйи давлатлари, Туркия таълим тизими Болонья декларацияси талаблари асосида тузилган бўлиб, Европа давлатлари тиббий таълим тизими талабларига мос келади, мамлакатимизда тиббий таълимда академик мобилликни таъминлаш, хорижий талабаларни ўқишга жалб қилиш учун ушбу давлатларнинг ўқув режаси асосида таълим жараёнини тубдан ўзгартириш лозим.

2. Ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган ўқув режа Европа стандартларига мос келади ва янги ўқув йилидан ўқув жараёнига татбиқ этиш учун таклиф этилади.

3. Сўнги йилларда амалга оширилган таҳлилий натижалар ва ўқув режаларни қисман мослаштириш жараёнини ижобий натижа бермаганлигини инobatга олган ҳолда, Туркия ёки Болтиқ бўйи давлатлари тиббий таълим жараёнига оид ўқув режа ва фанлар бўйича услубий таъминотни халқаро келишув асосида тўлиқ харид қилиш ҳамда бевосита таълим жараёнига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

4. Тажрибаси ўрганилган давлатларнинг тиббий таълим жараёнини хусусан, меъёрий ҳужжатларини қўллаш, мустақил таълим жараёнини олиб бориш бўйича, илмий тадқиқот жараёни ҳамда амалиётни ўтишнинг ўзига хос томонларини бевосита ўрганиш ва татбиқ этиш мақсадида мутахассисларни танланган университетларга стажировкалар ва хизмат сафарларига юбориш.



ПЕДАГОГИКА СОҲАСИ

Педагогика соҳасидаги таҳлил Ўзбекистон тарихи, фалсафа фанларининг мажбурий фанлардан танлов фанларига ўтказилишига, жисмоний тарбия фанининг чиқариб ташланишига; мактаб ўқувчиларини олимпиада ва танловларга, шунингдек, халқаро баҳолаш (PISA, PIRLS) да иштирок этишга тайёрлаш мақсадида математик мантиқ, математик лингвистика ва математик саводхонлик фанларини ўқув режага киритишга асос бўлди.

I. Хорижий тажриба

Германия тажрибаси бўйича педагог кадрлар тайёрлашда бевосита университетда ўқиш даври 3 йиллик бакалаврият ва 2 йиллик магистратурадан иборат. Бакалаврият ва магистратурани тугатган талабалар эркин педагог мақомига эга бўлишади. Агар магистратурадан кейин бир ярим йиллик амалиётни ўташганларидан кейин маълум синовларни топширишса, дахлсиз педагог (нафақага чиққунга қадар) мақоми берилади.

Англияда эса педагог кадрларни тайёрлаш 3 йиллик бакалавриятдан иборат. Бунда битирувчи **стажёр-педагог** сифатида фаолият олиб бориши мумкин. Ундан кейин **малакали-педагог** даражасини олиш учун яна маълум муддатлик амалиётдан ўтиши шарт.

60110600 – “Математика ва информатика” таълим йўналиши ўқув режаси ҳамда фан дастур (силлабус)лари Германиянинг Гумбольдт университети (Humboldt University of Berlin, QS World University Rank – 101), Англиянинг Лондон Империял Коллежи (Imperial College London, QS World University Rank – 7) ҳамда Рединг университети (University of Reading, QS World University Rank – 202)ларида таълим жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил этиш, ўқиш муддатлари, фанлар сони ва тўпланиши лозим бўлган кредитлар миқдори таҳлил қилинди. (3-жадвал)

3-жадвал

ОТМ номи	Гумбольдт университети	Лондон империял коллежи	Рединг университети	Чирчиқ давлат педагогика университети
Таълим йўналиши	Mathematics with Computer Science	Mathematics and Computer Science	Mathematics with Computer Science	Matematika va informatika
Ўқув муддати	3 йил	3 йил	3 йил	4 йил
Кредитлар сони	180 ECTS	180 ECTS	360 CATC	240 ECTS
Фанлар сони мажб/танлов	20/1	14/13	14/8	22/11

60110100 – “Педагогика ва психология” таълим йўналиши ўқув режаси ҳамда фан дастур (силлабус)лари Германиянинг Бремен университети (University of Bremen, THE World University Rank – 351), Герцен номидаги Россия давлат педагогика университетида таълим жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил

этиш, ўқиш муддатлари, фанлар сони ва тўпланиши лозим бўлган кредитлар миқдори таҳлил қилинди.

4-жадвал

ОТМ номи	Бремен университети	Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети	Москва давлат Педагогика университети	ТВЧДПУ
Таълим йўналиши	Педагогика	Педагогика и психология	Педагогик таълим	Педагогика ва психология
Ўқув муддати	3 йил	4 йил	4 йил	4 йил
Кредитлар сони	180 ECTS	240 ECTS	240 ECTS	240 ECTS
Фанлар сони мажб/танлов	20/1	37/15	31/11	22/11

60111800 – “Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)” таълим йўналиши ўқув режаси ҳамда фан дастур (силлабус)лари Вильгелм университети (Westfälische Wilhelms-Universität Münster, QS World University Rank – 411), Варшава университети (University of Warsaw, QS World University Rank – 308) ва Султон Идрис педагогика институти (Universiti Pendidikan Sultan Idris, QS World University Rank – 801)ларида таълим жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил этиш, ўқиш муддатлари, фанлар сони ва тўпланиши лозим бўлган кредитлар миқдори таҳлил қилинди (5-жадвал).

5-жадвал

ОТМ номи	Вильгелм университети	Варшава университети	Султон Идрис педагогика институти	ТВЧДПУ
Таълим йўналиши	Немис тили ва адабиёти	Инглиз тили тилшунослиги	Инглиз тили	Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)
Ўқув муддати	3 йил	3 йил	4 йил	4 йил
Кредитлар сони	180 ECTS	240 ECTS	240 ECTS	240 ECTS
Фанлар сони мажб/танлов	23/11	23/25	21/10	22/11

II. Ўқув режа

Фанларнинг таркиби бўйича ўзгаришлар. Юқори рейтингдаги хорижий ОТМлар ўқув режаларини таҳлил қилиш натижасида баъзи ўзгаришлар кiritилди:

– мажбурий фанлар сони оптималлаштирилди, танлов фанлари сони кўпайтирилди, шу билан бирга, танлов фанларига таклиф қилинадиган фанлар сони ҳам ошди;

– амалда қўлланилаётган ўқув режадаги Ўзбекистон тарихи ва Фалсафа фанлари мажбурий фандан танлов фанларига ўтказилди, жисмоний тарбия фани эса ўқув режадан чиқариб ташланди;

– келажакда илмий тадқиқот фаолиятига йўналтирилган талабаларга мўлжалланган баъзи фанлар мажбурий фандан танлов фанларига ўтказилди;

– талабаларнинг аксарият қисми келажакда умумтаълим мактабларига бориб педагогик фаолият билан шуғулланишларини инобатга олган ҳолда, ҳамда ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида фанларни чуқур ўргатишга талаб ошганлиги, жумладан, олимпиадалар, турли танловлар оммалашиб бораётганлиги сабабли **элементар математика** фанлари сони оширилди, **математик мантиқ** ва **математик лингвистика** фанлари киритилди;

– юқори рейтингдаги хорижий ОТМлар ўқув режаларида Баҳолаш (Ассесмент) фани ҳам мавжуд эканлиги ҳамда республикамиз умумтаълим мактаблари халқаро баҳолаш тизимига ўтганлигини инобатга олиб, таклиф этилаётган ўқув режага **Математик саводхонлик (PISA, PIRS, ...)** фани киритилди;

– талабаларнинг мустақил изланишлари, олган билимлари ва натижаларини намойиш этиш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида курс ишлари (курс лойиҳа) бажаришларига алоҳида эътибор қаратилди. Курс ишларига амалдаги ўқув режадаги **1 кредит** ўрнига янги ўқув режа бўйича **3 кредит** ажратилди;

таклиф этилаётган ўқув режадаги ҳар бир фан бўйича аудитория соатлари жами соатнинг **40 фоизини**, мустақил таълим соатлари **60 фоизини** ташкил этади. Талабанинг ҳафталик аудитория соатлари амалдаги **26 соатдан 24 соатга** туширилди. (6-жадвал)

6-жадвал

	Мажбурий фанлар		Танлов фанлар			Курс иши	Яқунийда	Амалиёт	Жами кредит
	сони	кредит	сони	таклиф	кредит	кредит	кредит	кредит	
60110600 – Математика ва информатика									
Амалда	34	164	7	14	36	2	4	34	240
Таклиф	22	140	11	22	55	6	5	34	240
60110100 – Педагогика ва психология									
Амалда	34	164	7	14	36	2	4	34	240
Таклиф	26	140	11	22	55	6	5	34	240
60111800 – Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)									
Амалда	28	180	5	15	32	2	6	20	240
Таклиф	17	145	9	18	50	6	5	34	240

III. Силлабус

Амалдаги фан дастурлари ўрнига нисбатан содда, тушунарли ва қулай бўлган, шу билан бирга, талабалар ва истеъмолчилар (иш берувчилар) учун муҳим маълумотларни ўз ичига олган курс (фан) силлабуслари таклиф қилинмоқда, яъни шакли ва таркибий қисмлари **Тошкент Вестминстер университети тажрибасига** асосланди. Силлабуслар аксарият фан дастурларида мавжуд бўлмаган қуйидаги муҳим бандларни ўз ичига олди:

Курснинг қисқача мазмуни (Summary of module content). Бу бандда модуль (фан)нинг қисқача мазмуни баён қилинди.

Таълим натижалари. Ҳар бир модуль натижасида талабалар қандай билим ва кўникмаларга эга бўлишлари муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда силлабуснинг ушбу бандида қуйидаги маълумотлар келтирилади:

– курс (модуль)ни тугатган талабалар, айнан шу модуль натижасида қандай билим ва кўникмаларга эга бўлишлари санаб ўтилди;

– курс (модуль)ни тугатган талабалар, таълим натижасида айнан малака талабларида кўзда тутилган қайси кўникмалар (компетенциялар)га эга бўлишлари ҳам санаб ўтилди;

Ўқитиш ва ўрганиш усуллари. Талабалар учун ҳар бир фаннинг хусусияти, уни қандай усулда ўқиш, ўрганиш ва ўзлаштиришни олдиндан тушунишлари муҳимлигини инобатга олиниб, ушбу банд киритилди. Бу бандда модулни ўқитиш, маърузалар, амалий машғулотлар, семинарлар қандай ташкил этилиши ҳамда лаборатория ишлари ва мустақил таълимни ўзлаштириш механизми ҳақида маълумот берилди.

Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш мезонлари (Assessment rationale, Assessment criteria). Талаба аудиторияда ва мустақил таълимда қай тартибда баҳоланиши аниқ кўрсатиб берилди. Фан хусусиятларидан келиб чиқиб, қандай баҳолаш турлари ишлатилиши ва ҳар бир баҳолаш тури бўйича умумий баллнинг қанча фоизи ажратилиши белгиланди. Кредит-модуль тизими талабаларнинг мустақил фаолиятига асосланганлиги сабабли баҳолаш мезонида ўзлаштириш миқдорининг **50 фоизи** айнан мустақил таълимга ажратилди.

IV. Таклифлар

Ўқитишнинг кредит-модуль тизимига ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2020 йилдаги 824-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги Низом, 20.06.2017 йилдаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 393-сонли қарорнинг 3-илоvasи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ”, шунингдек, Вақт меъёрлари, Талабалар билимини баҳолаш Низомининг тегишли бандларини қайта кўриб чиқиш ҳамда ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ.

ТЕХНИКА СОҲАСИ

Техника соҳасида фанлар сонининг қисқариши фанлар хусусиятидан келиб чиқиб, уларни унификациялаш ва кредитлар миқдорини кўпайтириш асосида амалга оширилди.


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 9 ноябрдаги “Олий таълим муассасалари ўқув-меъёрий ҳужжатларини таҳлил қилиш ҳамда хатловдан ўтказиш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги 474-сон буйруғига мувофиқ, муҳандис-техника соҳасида етакчи олий таълим муассасаси сифатида Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети танлаб олинди.

Хорижнинг ТОП-500 талигига кирган олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ўқув режалари тузилиши, талабаларга ўқитиладиган фанлар таркиби ва уларнинг силлабуслари (мазмун) билан таққослаб, таҳлил қилиш мақсадида Ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Ишчи гуруҳ томонидан муҳандис-техника соҳаси бўйича 3 та таълим йўналиши танлаб олинди ва таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари қуйидагича баён этилди:

60710600 – “Электр энергетикаси (электр таъминоти)” таълим йўналиши ўқув режасини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилган ишлар бўйича.

60710600 – “Электр энергетикаси (электр таъминоти)” таълим йўналиши ўқув режасини такомиллаштириш мақсадида дунёнинг ТОП-500 талика кирган хорижий ОТМлар ўқув режалари таҳлил қилинди. Хусусан, Германиянинг Дрезден техника университети (Technische Universität Dres-



den жаҳонда 216, техникада 97). Жанубий Кореянинг Чунгнам миллий университети (Chungnam national university жаҳонда 927, техникада 195), Шотландиянинг Абердин университети (University of Aberdeen жаҳонда 281, техникада 57).

Таҳлиллар асосида ўқув режада 3 та фан номи ўзгартирилиб, 6 та янги фан киритилди. Амалдаги ўқув режада мажбурий фанлар 26 тани, танлов фанлари 9 тани ташкил этади. Таклиф этилаётган ўқув режада бу кўрсаткич мажбурий фанлар 14 тани, танлов фанлари 11 тани ташкил этмоқда. Амалдаги ўқув режадан фарқли равишда, таклиф этилаётган ўқув режада курс иши (лойиҳа) учун кредитлар ажратилди. Амалдаги ўқув режада фанларнинг умумий сони 35 тани ташкил этган бўлса, таклиф этилаётган ўқув режада фанлар сони 25 тани ташкил этди. Фанлар сонининг қисқариши хорижий тажриба асосида фанлар хусусиятидан келиб чиқиб, уларни унификациялаш ва кредитлар миқдорини кўпайтириш асосида амалга оширилди. Жами кредитлар миқдори 240 ни ташкил этиб амалдаги ва таклиф этилаётган ўқув режалар бўйича бу кўрсаткич ўзгармади. Умумий юклама 7200 соатни ташкил этиб, бундан 2802 соат (39%) аудитория соати ва 4398 соат (61%) мустақил таълим учун ажратилган. Амалдаги ўқув режада бу нисбат 3020 соат (42%), 4180 соат (58%)ни ташкил этади.

60720700 – “Технологик машина ва жиҳозлар (озиқ-овқат саноати машина ва жиҳозлари)” таълим йўналиши ўқув режасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича

60720700 – “Технологик машина ва жиҳозлар (озиқ-овқат саноати машина ва жиҳозлари)” таълим йўналиши ўқув режасини такомиллаштириш мақсадида дунёнинг ТОП-500 таликка кирган хорижий ОТМлар ўқув режалари таҳлил қилинди. Хусусан, Туркиянинг Истанбул техника университети (Istanbul Technical University жаҳонда 701-750, техникада 202), Жанубий Кореянинг Корея университети (Korea University жаҳонда 74, техникада 63), Швейцариянинг Лунд университети (Lunds university жаҳонда 142, техникада 87), Германиянинг Дрезден техника университети (Technische Universität Dresden жаҳонда 216, техникада 97).

Таҳлиллар асосида ўқув режада 3 та фан номи ўзгартирилиб, 3 та янги фан киритилди. Амалдаги ўқув режада мажбурий фанлар 26 тани, танлов фанлари 9 тани ташкил этади. Таклиф этилаётган ўқув режада бу кўрсаткич мажбурий фанлар 16 тани, танлов фанлари 11 тани ташкил этмоқда. Амалдаги ўқув режадан фарқли равишда, таклиф этилаётган ўқув режада курс иши (лойиҳа) учун кредитлар ажратилди. Амалдаги ўқув режада фанларнинг умумий сони 35 тани ташкил этган бўлса, таклиф қилинаётган ўқув режада фанлар сони 25 тани ташкил этди.

Фанлар сонининг қисқариши хорижий тажриба асосида фанлар хусусиятидан келиб чиқиб, уларни унификациялаш ва кредитлар миқдорини кўпайтириш асосида амалга оширилди. Жами кредитлар миқдори 240ни ташкил этиб амалдаги ва таклиф этилаётган ўқув режалар бўйича бу кўрсаткич ўзгармади. Умумий юклама 7200 соатни ташкил этиб, бундан 2664 соат (37%), аудитория соати ва 4536 соат (63%) мустақил таълим учун ажратилган. Амалдаги ўқув режада бу нисбат 3020 соат (42%), 4180 соат (58%) ни ташкил этади.

60712100 – “Металлургия” таълим йўналиши ўқув режасини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилган ишлар бўйича.

60712100 – Металлургия таълим йўналиши ўқув режасини такомиллаштириш мақсадида дунёнинг ТОП-500 таликка кирган хорижий ОТМлар ўқув режалари таҳлил қилинди. Хусусан, Америка Қўшма Штатларининг Невада университети



(University of Nevada жаҳонда **401-450** ўрин, техникада **131**-ўрин), Америка Қўшма Штатларининг Юта университети (University of UTAH жаҳонда **358**, техникада **35**), Америка Қўшма Штатларининг Колорадо конлар мактаби (Colorado School of Mines жаҳонда **461**, техникада **1**), Индонезиянинг Бандунг технология институти (Institute Technology Bandung жаҳонда **303**, техникада **256**).

Таҳлиллар асосида ўқув режада **2** та фан номи ўзгартирилиб, **3** та янги фан киритилди. Амалдаги ўқув режада мажбурий фанлар **26** тани, танлов фанлари **10** тани ташкил этади. Таклиф этилаётган ўқув режада бу кўрсаткич мажбурий фанлар **15** тани, танлов фанлари **9** тани ташкил этмоқда. Амалдаги ўқув режадан фарқли равишда, таклиф этилаётган ўқув режада курс иши (лойиҳа) учун кредитлар ажратилди. Амалдаги ўқув режада фанларнинг умумий сони **36** тани ташкил этган бўлса, таклиф этилаётган ўқув режада фанлар сони **24** тани ташкил этди. Фанлар сонининг қисқариши хорижий тажриба асосида фанлар хусусиятидан келиб чиқиб, уларни унификациялаш ва кредитлар миқдорини кўпайтириш асосида амалга оширилди. Жами кредитлар миқдори **240** ни ташкил этиб амалдаги ва таклиф этилаётган ўқув режалар бўйича бу кўрсаткич ўзгармади. Умумий юклама **7200** соатни ташкил этиб, бундан **2664** соат (**37%**), аудитория соати **4536** соат (**63%**) мустақил таълим учун ажратилган. Амалдаги ўқув режада бу нисбат **3020** соат (**42%**), **4180** соат (**58%**)ни ташкил этади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИ

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги таҳлилларга кўра, хориж ОТМлар ўқув режаларида фундаментал фанлар салмоғининг кўплиги, талабанинг кўпроқ мустақил ишлаш учун йўналтирилганлиги, талабаларнинг етук ва салоҳиятли кадр бўлиб етишишида замонавий технологияларни чуқурроқ ўрганишга йўналтирадиган методикаларнинг кенг қўлланилиши кузатилди.

Таҳлил ва таҳрир учун аграр соҳа бўйича энг муҳимларидан бўлган қуйидаги 3 та таълим йўналиши танлаб олинди:

1. 60810900 – “Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)”

2. 60811000 – “Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича)”

3. 60840100 – “Ветеринария (ҳайвонот турлари бўйича)”

I. 60810900 – “Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)” йўналиши бўйича хорижий аналог сифатида қуйидаги ОТМлар танлаб олинди:

Вагенинген университети, Нидерландия (Wageningen University, QS рейтингдаги ўрни – 123)

Янги Мексика давлат университети, АҚШ (New Mexico State University, QS рейтингдаги ўрни – 351)

Манитоба университети, Канада (University of Manitoba, QS рейтингдаги ўрни – 551)

Витаутас университети, Литва (Vytautas Magnus University, QS рейтингдаги ўрни – 801)

Мазкур университетлар халқаро рейтингларда ҳам нуфуз жиҳатидан, ҳам аграр соҳа бўйича етакчи ОТМлардан ҳисобланади. Шў сабабли ушбу ОТМлар аналог сифатида ўрганиш учун танлаб олинди.



Ўрганилган мазкур хорижий олий таълим муассасалари, шунингдек, бошқа кўплаб ОТМларда таълим йўналиши номланиши “Агрономия” (Agronomy, B.Sc. (Agriculture)) деб номланади. Шунинг учун республикамизда ҳам таълим йўналиши номини “Агрономия” деб номлаш мақсадга мувофиқ.

Хорижий олий таълим тизимида бакалаврият ўқиш даври ушбу таълим йўналиши бўйича деярли барчасида 4 йилни ташкил этади. Бизда ҳам “Агрономия” таълим йўналишида бакалаврият 4 йиллик қилиб белгиланганлиги тўғри ҳисобланади.

II. 60811000 – “Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича)” йўналиши бўйича хорижий аналог сифатида қуйидаги ОТМлар танлаб олинди:

1. Еге университети, Туркия (Ege University);
 2. Богор қишлоқ хўжалиги университети, Индонезия (Bogor Agricultural University);
 3. Қишлоқ хўжалиги университети. Покистон (University of Agriculture, Faisalabad);
 4. Иллинойс университети, АҚШ (University of Illinois);
 5. Чжэцзян университети, Хитой (Zhejiang University).
1. Еге университети, Туркия (Ege University);
 2. Богор қишлоқ хўжалиги университети, Индонезия (Bogor Agricultural University);
 3. Қишлоқ хўжалиги университети. Покистон (University of Agriculture, Faisalabad);
 4. Иллинойс университети, АҚШ (University of Illinois);
 5. Чжэцзян университети, Хитой (Zhejiang University).

Улар халқаро рейтингларда аграр соҳа бўйича етакчи ОТМлардан ҳисобланади. Шу сабабли ушбу ОТМлар аналог сифатида ўрганиш учун танлаб олинди.

Таълим йўналиши ўқув режаси ва фан силлабусларининг хорижнинг етакчи университетлари ўқув режа ва фан силлабуслари асосида қиёсий таққослаш ишлари амалга оширилди ва амалдаги ўқув режани такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Ўрганилган хорижий олий таълим муассасаларининг барчасида таълим йўналиши “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” (Plant Protection) деб номланади. Шунингдек, Тошкент давлат аграр университетида ҳам. Шу сабабли йўналиш номланишига ҳеч қандай эътироз бўлмади. Бундан ташқари, солиштирилган ОТМларда ҳам мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишнинг давомийлиги 4 йил. Фақатгина кредитлар ва фанлар сонида тафовутлар кузатилди. Бунда асосий сабаб кредитлар учун ҳисобланадиган соатлар ҳар хил эканлиги бўлиб, қайта ҳисоблаш орқали мослашиш (трансфер) мумкинлигини таъкидлаш зарур. Яна бир кузатилган жиҳат – фанлар сони, жумладан мажбурий ва танлов фанлар нисбати турлича эканлиги кузатилди. Ўзбекистонда амалдаги ўқув режада мажбурий фанлар сони 27 тани, танлов фанлар сони 11 (26 тадан) тани ташкил этади. Бу кўрсаткич Туркиянинг Еге университетида 41 та мажбурий, 18 та танлов фани; Индонезиянинг Богор қишлоқ хўжалиги университетида 44 та мажбурий, 5 та танлов фани; Покистоннинг Қишлоқ хўжалиги университетида 32 та мажбурий, 12 та танлов фани; Иллинойс университетида 22 та мажбурий, 8 та танлов фанини ташкил этади.

Амалга оширилган таҳлиллар асосида **60811000** – “Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича)” таълим йўналишининг ўқув режаси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Янги ўқув режа бўйича мажбурий фанлар умумий 170 кредит ва танлов фанлар 48 кредит, малакавий амалиёт 18 кредит ва Якуний давлат аттестациясига 4 кредитни ташкил этади, жами 240 кредит.

Янги ўқув режада талабанинг асосий фанлари 32 тадан 27 тага туширилди (16 фоизга камайди), танлов фанлари (26 та фандан) 11 тани ташкил этади (амалдаги ўқув режадан 3,5 баробарга кўпайган). Мутлақо янги киритилган фанлар сони 4 тани ташкил этди.

III. 60840100 – “Ветеринария (ҳайвонот турлари бўйича)” йўналишида хорижий аналог сифатида қуйидаги ОТМлар танлаб олинди:

1. Порту университети, Португалия (PORTO University);
2. Падуа университети, Италия (Padua University);
3. Эстония ҳаёт фанлари университети, Эстония (Estonian University of Life Sciences);
4. Пиза университети, Италия (Pisa University).

Улар халқаро рейтингларда ҳам нуфуз жиҳатидан ҳам, аграр соҳа бўйича ҳам юқори ўринларда туради.

Ўрганилган хорижий олий таълим муассасаларининг барчасида таълим йўналиши “Ветеринария медицинаси” (Veterinary medicine) деб, Ўзбекистонда эса “Ветеринария” деб номланади. Шу сабабли классификаторга йўналишни “Ветеринария медицинаси” номида киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, солиштирилган ОТМларда ўқиш давомийлиги асосан 5 йил фақат Порту университетида 5,5 йилни ташкил қилса, Ўзбекистонда ушбу йўналишнинг давомийлиги 4 йил, кредитлар ва фанлар сонида тафовутлар мавжуд бўлса-да, академик мобиллик учун мақбул таркибда шакллантирилган. Яна бир жиҳат – фанлар сони, жумладан, мажбурий ва танлов фанлар нисбати турлича эканлиги кузатилди. Ўзбекистонда амалдаги ўқув режада мажбурий фанлар сони 27 тани, танлов фанлар сони 11 (26 тадан)тани ташкил этади. Бу кўрсаткич Португалиянинг Порту университетида 44 мажбурий, 6 та танлов фани; Италиянинг Падуа университетида 38 мажбурий, 5 та танлов фани; Эстония ҳаёт фанлари университетида 32 мажбурий, 12 та танлов фани; Пиза университетида 34 мажбурий, 8 та танлов фанини ташкил этади.

Амалга оширилган таҳлиллар асосида **60840100** – “Ветеринария (ҳайвонот турлари бўйича)” таълим йўналишининг ўқув режаси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Юқоридаги таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларини ўрганиш натижасида қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

- фундаментал фанлар салмоғи кўплиги;
- талабанинг кўпроқ мустақил ишлаш учун йўналтирилганлиги;
- талабаларда мустақил илмий тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича кўникмаларни дастлабки курслардаёқ шакллантирилиши;
- талабаларнинг келажақда мукамал кадр бўлиб етишиши учун замонавий технологияларни чуқурроқ ўрганишга етаклайдиган методикаларни кенг қўл-

ланилиши таҳлил қилинган ўқув режаларининг ўзига хос ва андоза олишга мос жиҳатлари ҳисобланади.

Ўқув режаларининг аналитик таҳлили динамикаси: таклиф этилаётган ўқув режаларда аудитория ва мустақил таълим соатлари ҳажмининг тақсимоотида ўзгаришлар мавжуд. Умумий 7200 соат юкламанинг 2664 соат(37%)и аудитория соати; 4536 соат (63%)и мустақил таълим учун ажратилган. Амалдаги ўқув режаларда бу нисбат 3020 соат (42%)га 4180 соат(58%)ни ташкил этади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида таклиф этилаётган ўқув режаларда таълим соҳалари ва йўналишларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, мажбурий фанлар учун 132 (55 %) дан 170 (71 %) гача бўлган кредит миқдори белгиланди.

Танлов фанлари учун 48 (20 %)дан 90 (37,5 %)гача, курс иши учун 6 (2,5 %)дан 18 (7,5 %)гача, малакавий амалиёт учун 6 (2,5 %)дан 34 (14 %)гача ва якуний давлат аттестацияси (битирув малака иши) учун (1,6 %)дан 6 (2,5 %)гача бўлган **кредит миқдори** белгиланди.

Таҳлил этилаётган 15 та таълим йўналишларининг ўқув режаларидаги мажбурий фанлар сони амалда 23 тадан 38 тагача бўлган. Қийёсий таҳлил асосида таклиф этилаётган ўқув режаларига кўра, 14 тадан 27 тагача (*тиббий соҳасида 77 тадан 62 тагача (ўқиш муддати: 6 йил)*) қисқармоқда.

Танлов фанлари эса амалда 5 тадан 13 тагача бўлган. Янги лойиҳага кўра, 9 тадан 16 тагача оширилди, шунингдек, янги ном ва мазмунда киритилган фанлар сони 70 тадан ортди.

Силлабуслар таълим соҳаларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, экспертлар томонидан кўйидаги турли тузилмалар таклиф этилди:

Баҳолаш асослари, баҳолаш мезонлари (Assessment rationals, Assessment criteria) – талабани аудиторияда ва мустақил таълимда қандай тартибда баҳолаш кераклиги кўрсатилади. Фаннинг хусусиятини инобатга олиб, баҳолаш турлари ва баҳолаш тури бўйича умумий баллнинг қанча фоизи ажратилиши белгиланади. Кредит-модуль тизими талабанинг мустақил фаолиятига асосланади, шу сабабли баҳолашда ўзлаштириш миқдорининг 50% мустақил таълимга ажратилади.

Амалдаги таълим йўналишлари, ўқув режа ва фан дастурларининг хорижий давлатларнинг ТОП-500 таликка кирган университетларини ўқув режа ва фан силлабусларига қийёслаган ҳолда амалга оширилган таҳлиллар натижасида кўйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

1. Таҳлилга жалб этилган маҳаллий ҳамда шу йўналишда фаолият олиб бораётган дунёнинг нуфузли университетлари таълим йўналишлари, ўқув режа ва фан дастурларида жиддий фарқлар мавжудлиги. Амалдаги ўқув режаларда фанларнинг сонидан кескин фарқларнинг мавжудлиги, тақрибий фанлар улуши кўплиги кузатилди.

2. Олий таълим ташкилотларида ўқув жараёнининг кредит-модуль тизимида ташкил этилиши амалдаги қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғридан-тўғри қўллашга тўсқинлик қилмоқда.

3. Мустақил таълимни ташкил этишнинг методологик асоси йўқлиги профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг бу йўналишдаги фаолиятини ташкил этишда турлича ёндашувларни юзага келтирмоқда.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг мавсумийлиги, республика тўпроқ-иқлим шароитлари, экологик муаммолар ва бошқа омиллар сабабли

аграр таълим йўналишлари бўйича юқори халқаро рейтингга эга бўлган хорижий университетлар ўқув режаси билан тўлиқ уйғунлаштириш имконияти чекланган.

Таҳлил давомида аниқланган муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, олий таълим ташкилотларида таълим жараёнини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар:

биринчидан, тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини тўздан ислоҳ қилиш учун аниқ чоралар зарур. Бунда, Қозоғистоннинг қуйидаги тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ; тиббий таълим тизими энг замонавий, юқори самарадорлик асосида ташкил этилган, дунё экспертлари томонидан юқори баҳоланаётган, хорижий талабаларни ўзига жалб этаётган **Литванинг Вилнюс университети таълим йўналишлари, ўқув режалари, фан дастурлари Қозоғистон Республикасининг Асфандиёров номидаги тиббиёт университети томонидан халқаро келишув асосида тўлиқ харид қилинган. Университет амалиётига жорий этилган ва у жуда катта натижа берган;**

иккинчидан, олий таълим муассасаларида таълим жараёнини кредит-модуль тизими асосида ташкил этиш ва таълим сифатини ошириш учун:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги низомга;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 9 августдаги 19-2018-сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билиминини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида”ги низомга (Адлия вазирлигининг 3069-рўйхати), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 20-2018-сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва “устоз-шоғирд” ишларини белгилаш қоидалари”га (Адлия вазирлигининг 3076-рўйхати);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида” низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур;

учинчидан, талабалар фанни сифатли ва тўлиқ ўзлаштиришлари учун мустақил таълимга ажратилган соатлар самарадорлигини ошириш, мустақил таълимни тартибга солиш механизминини ишлаб чиқиш, шунингдек, профессор-ўқитувчиларни ўқитаётган фани бўйича мустақил таълимни ташкил этиш кўникмасини шаклланишига ёрдам берадиган услубий йўриқнома ишлаб чиқиш зарур;


тўртинчидан, амалга оширилган таҳлил методикаси асосида республикадаги давлат олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларининг ўқув режа ва фан силлабусларини хорижий давлатларнинг ТОП-500 талигига кирган университетлари билан қиёсий таҳлили асосида янги ўқув йилига тайёрлаш зарур.

ХУЛОСА

Ушбу методик тавсиянома олий таълим муассасалари учун ишлаб чиқилган бўлиб, давлат олий таълим муассасаларининг хорижнинг нуфузли рейтингларида юқори ўринларда бораётган олий таълим ташкилотларининг таълим жараёнлари билан интеграцияси, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув-меъёрий ҳужжатларини мослаштириш ўз ифодасини топган.

Нуфузли олий таълим ташкилотларининг таълим дастурларининг таҳлили шуни кўрсатадики, нуфузли олий таълим ташкилотларининг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номланиши, ўқитиладиган фанлар ва уларга ажратиладиган кредит миқдорлари бир хилдир. Давлат олий таълим муассасалари хорижий олий таълим муассасалари таълим дастурлари асосида ўқув-меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилиниши хорижий давлатлар олий таълим ташкилотлари билан талабалар алмашинуви бўйича дастурларда иштирокини оширади.

Методик тавсияномада берилган маълумотлар чуқур изланишлар натижаси бўлиб, амалда мавжуд таълим йўналишлари бўйича қиёсий таҳлил қилинган. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, хорижий университетлардаги ўқув режалари талабаларга кўпроқ эркинлик бериш, уларнинг мустақил таълим олишлари учун етарли шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Бу жараён кадрларнинг келажақда етук мутахассис бўлишида муҳим ўрин тутиши амалда ўз исботини топди ва бизлар ҳам улардаги ижобий ҳолатлардан ўрнак олган ҳолда, ушбу тизимни жорий қилишга интилишимиз лозим.



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика
университети ректори

Г.И.Мухамедов

202__ йил " __ "

ЎҚУВ РЕЖА

Таълим йўналиши:

60110100 – Педагогика ва психология

Академик даража – БАКАЛАВР

Ўқиш муддати – 4 йил

Таълим шакли – кундузги

I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

Курс	ҲАФТАЛАР												Ўқув жараёни ҳафталари сони:	Таълим Тизими	Кредит таълим Тизимига кириш						
	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабрь	Январь	Февраль	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август									
I	К	К												38	30	8		12	2	52	
II				А	Т	А	А														52
III				А	Т	А	А														52
IV	К	М	М	М	М	М	М	М	А	Т	Т										48
									А	А	А	Д	Д	Д	Т	Т	Т	Т	Т	Т	48
																					158
																					105
																					29
																					19
																					5
																					43
																					3

Назарий ва амалий
таълим

А

Аттестациялар

М

Д

Т

К

Таълим, шахсий
режани
шақланттиришКредит таълим
тизимига кириш

Эслатма!

1. 1 кредит 26 академик соатни ташкил этади.
2. Талабанинг ҳафталик аудитория юкламаси 26 соатгачани ташкил етади.
3. Ўқув режа асосида ишчи ўқув режасини тузишда талабалар юкламасининг ҳафталик ҳажмини сақлаган ҳолда, ўқув фанлари блоки ҳажмини 5 фоизгача, блоклар таркибидаги фанлар ҳажмини 10 фоизгача ўзгартириш ҳамда аудитория юкламасининг умумий ҳажмини сақлаган ҳолда, айрим семестрларда ҳафталик юкламалар ҳажмини эркин белгилаш мумкин.
4. Мутахассислик танлов фанларининг камида битта академик гуруҳ шаклланганлари ўқитилади. Мутахассислик танлов фанлари учун таклиф қилинадиган фанлар сони учтадан ошмаслиги керак.
5. Очиқ танлов фани институт Кенгаши томонидан тасдиқланган фанлар рўйхати асосида таклиф қилинади.
6. Мутахассислик танлов фанларига кадрлар бунортмачиларининг талабларини эътиборга олган ҳолда, институт Кенгаши қарори асосида ўзгартиришлар киритилиши мумкин.
7. Ўқув режага киритиладиган мутахассисликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.
8. Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.
9. Яқуний давлат аттестацияси муддатлари таркибига битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш ҳам киради.

Ўқув жараёнининг таркибий қисмлари	Ҳафталар сони	Семестр	Давлат аттестацияси
Назарий таълим	105	1-8	Битирув-малакавий иши ёки Давлат имтиҳони
Малакавий амалиёт	19	4, 6, 8	
Аттестациялар	29	1-8	
Давлат аттестацияси	3	8	
Таътил	43	1-8	
Кредит тизимига кириш	3	1,7	
Жами	204		

МОДУЛЬ/ФАН СИЛЛАБУСИ

Педагогика факультети
60110100 – “Педагогика ва психология” таълим
йўналиши

Фан номи: Педагогик маҳорат		
Фан коди: Пед 3155	Кредит миқдори: 5	Семестр: 3
Кафедра номи: Умумий педагогика		
Фан ўқитувчиси: Қораев Самаридин		
E-mail: s-qoraev@sspi. UZ		
Фан тури: Мажбурий		
Таълим шакли:	Кундузги	
Баҳолаш шакли:	Имтиҳон	
Фан тили:	Ўзбек	
<p>Модулнинг қисқача мазмуни:</p> <p>Педагогик маҳорат курсининг асосий мазмуни талабаларни таълим соҳасидаги асосий тамойиллар, ўқитувчи фаолияти, ўқув жараёнини ташкил этишнинг метод ва шаклларида қўйилган замонавий талаблар билан таништиришдан иборат. Айни пайтда, у талабаларни мантиқий фикрлашга, тўғри хулоса чиқаришга, педагогик маданиятини оширишга ва шу билан биргаликда, талабаларни замонавий педагогиканинг асосий муаммолари билан таништириш, касбий фаолиятга оид масалаларини онгли равишда тадқиқ этиш, муаммолари вазиятлар ва уларни ечишда педагогик усулларни қўллаш олишга ўргатишга хизмат қилади.</p>		
Таълим натижалари:		
<p>Курсни тугатган талабалар:</p> <p>Ўқитувчининг педагогик маҳоратига оид тушунча ва тамойилларни чуқур тушунишини намойиш этади.</p> <p>Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилиятнинг ўрни бўйича билимга эга бўлади;</p> <p>Ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги фаолияти ҳақида билимларга эга бўлишлари керак;</p> <p>Курс натижасига кўра эга бўладиган компетенциялар</p> <p>Таълимни ташкил этишнинг асосий шакллари амалиётда қўллашни билиш;</p> <p>Аниқ шароитларда таълим-тарбияга доир амалий вазифаларни ҳал этишни билиш;</p> <p>Маълумотларни таҳлил этиш, умумлаштириш ва уларни технологик шаклда таҳлил этиш тартибини билиш.</p> <p>Педагогик фаолиятнинг турли кўринишларида ўқитувчининг муомала маданияти, ўқувчилар билан алоқа ўрнатиш ва мулоқотга кириша олиш методикасини эгаллаши.</p>		
Фан мазмуни		
Машгулотлар шакли: маъруза (М)		
	Педагогик маҳорат фани ҳақида тушунча. Ўқитувчи шахси ва унинг жамиятда тугган ўрни.	
	Ўқитувчи педагогик қобилиятининг асосий сифатлари ва етакчи хусусиятлари.	
	Ўқитувчининг коммуникатив қобилиятида педагогик таъсир кўрсатиш.	
	Педагогик мулоқот – ўқитувчининг ижодий фаолиятини ва ташаббускорлигини намоён этувчи хусусият. Ўқитувчи – касбий фаолиятида мулоқот маданияти ва психологияси.	
	Педагогик назокат ва ҳушмуомалалик, касбий педагогик дилкашликнинг ўқитувчи ҳуққатвориди шаклланиши.	

	Педагогик техника ва актёрликка хос хусусиятлар.
	Педагогик техника ва мураббийлик шартлари.
	Нутқ техникаси ва нотиклик маданияти. Ўқитувчи нутқининг тўғрилиги, равлонлиги, аниқлиги ва таъсирчанлигини ошириш.
	Ўқитувчининг таълим жараёнига қўйиладиган асосий талаблар ва ўз ижодий кайфиятини бошқариши.
	Ҳозирги кунда ўқитувчи-тарбиячилик маҳоратининг асосий моҳияти.
	Ўқитувчининг тарбия технологияларини қўллашда педагогик маҳоратнинг аҳамияти.
	Ўқитувчиларда замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш малакаларини шакллантириш.
	Компьютер технологиялари ёрдамида ўқитувчиларнинг касбий малакаларини ошириб бориш.
Машғулотлар шакли: Семинар (С)	
C1	Ҳозирги кунда ўқитувчилар педагогик қобилиятини шакллантириш имкониятлари.
C2	Ўқитувчининг коммуникатив қобилиятини ривожлантиришга қўйиладиган талаблар.
C3	Педагогик низолар ва зиддиятларнинг фалсафий, педагогик-психологик таснифи.
C4	Ёш ўқитувчиларнинг ҳушмуомалалиги, назокати, дилкашлиги ва педагогик такти.
C5	Ҳозирги кунда ўқитувчи нутқ техникаси ва нотиклик маданиятини такомиллаштириш муаммолари.
C6	Ўқитувчининг тарбия технологиялари асосида педагогик маҳоратини ошириб бориши.
C7	Педагогик таълим жараёнида ўқитувчининг замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиши.
C8	Ҳозирги замон ўқитувчиси меҳнатини илмий асосда ташкил этиш муаммолари.
C9	Педагогик маҳорат фани ҳақида тушунча. Фаннинг асосий вазифалари ва таркибий қисмлари
C10	Ўқитувчининг коммуникатив қобилиятида педагогик таъсир кўрсатиш.
C11	Педагогик мулоқот – ўқитувчининг ижодий фаолиятини ва ташаббускорлигини намоён этувчи хусусият.
C12	Педагогик мулоқотда умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги.
C13	Педагогик техника ва актёрликка хос хусусиятлар. Педагогик техника ва мураббийлик шартлари.

Ўқитиш ва ўрганиш усуллари

Модуль маърузалар ва семинар машғулотлари орқали ташкил этилади. Маърузаларда педагогик маҳорат курси мавзулари учун зарур бўлган назарий маълумотлар берилиб, талабаларга уларни таҳлил қилиш имконияти берилади. Семинар машғулотларида педагогик маҳорат фанининг долзарб муаммоларини тақдим этади ва талабаларга уларни ҳал қилиш учун зарурий педагогик усуллар ва методларни қўллаш бўйича машқ қилиш имконини беради. Мустақил таълим фаолиятида талабалар мавзуларни чуқур ўрганиб, адабиётлар ва илмий журналлар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда, топшириқларни бажариши лозим.

Машғулот тури	Ажратилган соат
Маъруза	26
Семинар	26
Мустақил таълим	78
Талабаларнинг жами ўқув ва ўқитиш соатлари	130

Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш мезонлари

Талабалар билимларини назорат қилиш ва баҳолаш талабанинг фаоллиги, орилиқ назорат, якуний назорат ҳамда мустақил таълимни баҳолаш орқали амалга оширилади.

- **Талабанинг дарс жараёнидаги фаоллигини баҳолаш** — бу профессор ўқитувчи томонидан ўтилаётган машғулотлар давомида талабанинг билимини баҳолаш тизимидир. Бунда курс давомида талабалар билимини назорат қилишда турли усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, масалан, қисқа савол-жавоблар, ўй вазифалари ва бошқалар. **Умумий баҳолашнинг 10 фоизи.**

- **Оралиқ назорат** — бу профессор-ўқитувчи томонидан талабанинг модулнинг биринчи қисми бўйича олган билимлари ва амалий кўникмаларини баҳолашнинг муҳим босқичи бўлиб, келажақда шу фан бўйича ўзлаштиришни таҳлил қилиш кўрсаткичидир. Оралиқ назоратда талабалар билимини баҳолаш оғзаки савол-жавоб ёки ёзма иш орқали амалга оширилади. Талаба оралиқ назоратдан ўтмаган тақдирда, унга яна 2 марта қайта топшириш имкони берилади. **Умумий баҳолашнинг 20 фоизи.**

- **Мустақил таълимни баҳолаш** — бу талабаларнинг жамоавий тартибда ва яқка тартибда берилган амалий лойиҳаларни бажаришлари орқали амалга оширилади. Бунда ҳар бир талабага битта жамоавий лойиҳа ва иккита яқка тартибда бажариладиган лойиҳа берилади. Талаба берилган лойиҳанинг мақсад ва вазифаларини, моҳиятини тушунган ҳолда, қўйилган масалани ўрганиб, изланишлар олиб боради. Олинган натижаларни таҳлил қилиб, хулосалари билан тақдимотлар тайёрлаб ҳимоя қилади. **Умумий баҳолашнинг 50 фоизи.**

- **Якуний назорат** — бу профессор-ўқитувчи томонидан талабанинг курс бўйича олган билимлари ва амалий кўникмаларини баҳолашнинг умумлаштирувчи босқичи ҳисобланади. Якуний назорат ёзма иш шаклида ўтказилади. **Умумий баҳолашнинг 20 фоизи.**

Баҳолаш, орилиқ ва якуний назорат топшириқлари (вазифалари) курс профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади, олдиндан модерациядан ўтказилади ва кафедра мудирини томонидан тасдиқланади.

Нazorat турларини ўтказиш бўйича тузилган топшириқларнинг мазмуни талабанинг ўзлаштиришини ҳолис, шаффоф ва аниқ баҳолашга имкон бериши керак.

Талаба академик ҳуқуқбузарликка (қоидабузарлик) олиб келадиган ҳар қандай ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак. Масалан, плагиат, ўзаро келишиб олиш, натижаларни қалбакилаштириш, имтиҳон жараёнида қоидабузарлик, яъни конспект ва шпаргалкалардан, телефон ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиши, имтиҳон олинадиган хонанинг ичида ёки ташқарисида бошқалар билан мулоқот қилиши таъқиқланади. Бунда айбдор талабалар назорат ёки имтиҳон жараёнидан четлаштирилади тўплаган балли ёки баҳоси нолга айлантирилади.

Фан (курс) хусусиятларидан келиб чиқиб, баҳолаш ва назорат қилиш мезонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Олий таълим муассасаларининг ўқув-меъёрий ҳужжатларини халқаро стандартларга мослаштириш	4
Иқтисодиёт соҳаси	5
Тиббиёт соҳаси	8
Педагогика соҳаси	11
Техника соҳаси	15
Қишлоқ хўжалиги соҳаси	18
Хулоса	23
Иловалар	27

Услубий нашр

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎҚУВ-МЕЪЁРИЙ
ХУЖЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ
(ДУНЁНИНГ ТОП-500 ТАЛИК
ОЛИЙГОҲЛАРИ МИСОЛИДА)

Методик қўлланма

Муҳаррир
А.Тилавов

Мусаҳҳиҳ
А.Абдужалилов

Саҳифаловчи
О.Исмаилов

Техник муҳаррир
Н.Мирпўлатова

Нашлиц. № АI 245, 02.10.2013.

Теришга 09.01.2023 йилда топширилди. Босишга
18.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32.

Офсет босма. "Latto" гарнитураси. Шартли б.т. 1,68.

Нашр б.т. 1,0. Адади 250 нусха. Буюртма №110.

Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Go To Print» ХК босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.
Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95



**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ
ЎҚУВ-МЕЪЁРИЙ
ҲУЖЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ**
(ДУНЁНИНГ ТОП-500 ТАЛИК
ОЛИЙҒОҲЛАРИ МИСОЛИДА)



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ISBN 978-9943-7215-9-3



9 789943 721593